

**Танлов асосидаги
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 2Ф/2022**

ФАРҒОНА ШАҲРИ

2022 йил "24" май

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси" ДМ Фарғона вилояти филиали номидан директор Қ.Мадмаров бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "Универсал-С" Х/К номидан Низом асосида иш курувчи раҳбари Ж.Мирзаев иккинчи томондан Тошлоқ тумани Қумариқ МФЙдаги фаолият юритмаётган 16-сонли МТТ (120 ўринли қўшимча бино қуриш) да қурипиш-монтаж ишларини бажариш (2-босқич ишлари учун) га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар

I.Тарифлар

1 Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурда бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси, Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади, вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар, беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; шартнома нарҳини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2 Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Тошлоқ тумани Қумариқ МФЙдаги фаолият юритмаётган 16-сонли МТТ (120 ўринли қўшимча бино қуриш) да қурипиш-монтаж ишларини бажариш (2-босқич ишлари учун) га лойиҳада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар танлов комиссиясининг 2022 йил "8" майдаги 78337-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ўз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда 373 300 000 (уч юз етмиш уч миллион уч юз минг) сўмни ташкил этади.

4 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно - қурилиш қийматини кўпайтириш ёнгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда -ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда -объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда

5 Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "____" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нарҳидаги ишларни энг камида 50% ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой Буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш; "____"-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оғборга жойлаш ва сақлаш, қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек еритиш чироқлари ўрнатиш;-қурилиш тавakkалчиликларини сўғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-қурилиш майдони қуриқланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50% дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириш, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тейер ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш; Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мувожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10 Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11 Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12 Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади ва объект 2022 йил 01 июнда фойдаланишга топширилади

13 Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14 Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказилади, бу 111 990 000 (бир юз ўн бир миллион тўққиз тўқсон минг) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сунг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати тегирилгандан кейин берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ойма-ой бажарилган ишлар учун Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сунг объект умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-косил ҳисоб китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сунг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сунг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда қамчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътироз йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ски ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тулов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкый ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳақи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан овоз қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бугун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунозама равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан қилиши ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баланглик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баланглик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва балангликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бугловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш даврида дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг инсталл қисмини ўз ҳисобидан очишга, сунга эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни суғуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳоллар ва хатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш тугаллашининг узил-косил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қуриқлаш.

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Бююртмачи жавоб беради.

X.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Бююртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаққидир.

XI.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Бююртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Бююртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Бююртмачига Бююртмачи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Бююртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Бююртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII.Кафолатлар

48. Пудратчи барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим. Ҳақиқат томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни, объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Бююртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Бююртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иккисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII.Шартномани бекор қилиш

52. Бююртмачи шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Бююртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда, ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда, Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Бююртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда Бююртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Бююртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Бююртмачига берилади. Бююртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Бююртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Бююртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан объектнинг ёзғачилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Бююртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

60. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Бююртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

61. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун Бююртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

62. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

63. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдориде жарима ундириш ҳуқуқига эга.

64. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

65. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал қилиш

66. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низолни масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан куриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

67. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

68. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

69. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

70. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

71. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдониде ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

72. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва 2022 йил 31 декабрча амалда булади.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

“Универсал-С” Х/К

Манзил: Фарғона шаҳар, Ермозор кучаси 220-уй

№ р: 20208000204114989001

Банк номи: Универсалбанк Фарғона филиали

Тел: 91-119-00-00

МФП: 20254770

ОКОНХ: 61030

Раҳбар: К. Мирзаси



«Буюртмачи»

“Инфрагузилмани ривожлантириш бўйича ишжиниринг компанияси” ДМ

Фарғона вилояти филиали

Манзили: Фарғона шаҳар, Темир йул кучаси 39-уй

Тел./факс: 90 274-81-18

Шхр 100021860304017096525251036

Ташкилотнинг СТИР: 306181515, ОКЕД 70220

Фарғона вилояти бўйича Газначилик бошқармаси

ЯНХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Газначилик бўлими

СТИР: 201 122 019

Филиал директори: К. Малмаров

м.ў.



Ҳуқуқий хулоса

Буюртмачи “Инфрагузилмани ривожлантириш бўйича ишжиниринг компанияси” ДМ Фарғона вилояти филиали ва пудратчи “Универсал-С” Х/К ўртасида тузилган 2022 йил “10” май кунги 2Ф/2022-сонли пудрат шартномада Тошлоқ тумани Қумариқ МФИдаги фаолият юритмаётган 16-сонли МТТ реконструкция қилиш (2-босқич ишлари учун) ишларини бажариш белгиланган Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 05 2021-йилдаги 321-сонли қарори ва бошқа меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Пудратчи юристи _____



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Фарғона вилояти

150115 Farg'ona shahri, Al-Farg'oniy 36-uy tel 73)-244-68-81 244-68-82 mail: fergexp@rambler.ru

www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Xagay Aleksandr Andreyevich

Sana: 22-04-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 38085

Obyekt nomi «Farg'ona viloyati, Toshloq tumani, Qumariq MFYdagi 16-sonli maktabgacha ta'lim tashkilotini rekonstruksiya qilish. (Qo'shimcha ishlar).»

Buyurtmachi - "Infratuzilmani rivojlantirish bo'yicha injiniring kompaniyasi"

DUK Farg'ona filiali

Bosh loyihachi - "Farg'ona Fuqaro Loyiha Servis" MCHJ

Litsenziya 22.06.2020y/AL-000946-sonli

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari

Bosh pudratchi - Tender savdolari asosida (agar qaror qabul qiluvchi organ tomonidan belgilangan bo'lsa)

Qurilish turi Rekonstruksiya

Murojaat raqami: № 36721

1. Loyihalash uchun asos

1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 10 yanvardagi PQ-4565-sonli qarori va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2021 yil 17 dekabrda Farmoyishi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasi Rayosat majlisining 2022 yil 15 martdagi 40-XDFU- sonli bayoni.

1.2. Arxitektura va Qurilish boshqarmasi tomonidan 14.10.2019 yilda berilgan 101 -sonli Arxitektura va Rejalashtirish topshirig'i. (Muddati uzaytirilgan)

1.3. "IRBIK" DUK Farg'ona viloyati filiali direktori Q.Madmarov va Farg'ona viloyati Maktabgacha ta'lim boshqarmasi boshlig'i Yu.Xodjayeva bilan kelishilgan Loyiha topshirig'i.

1.4. «O'zGASHKLITI» DUK Farg'ona filiali tomonidan 2019 yilda berilgan ob'yektning muxandislik-geologiya xulosasi.

1.5. Qo'shimcha ishlar dalolatnomasi.

1.6. Muhandislik tarmoqlariga ulanishning texnik shartlari, muhandislik tarmoqlarini nazorat qiluvchi va foydalanuvchi manfaatdor tashkilotlar bilan kelishilgan.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Loyixa tarkibiga ko'ra elektron yo'nalishda taqdim qilingan loyixa smeta xujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Ishchi loyihaga doir ma'lumotlar.

Qurilish maydoni II-iqlim mintaqasiga tegishli.

Hududning seysmikligi - 8 ball.

Qurilish maydonining seysmikligi - 9 ball.

Tuproq toifasi seysmik xususiyatiga ko'ra - III (uchinchi).

Standart yuklar:

A) shamol - 0,38 kPa (38 kg / m²)

B) qor - 0,50 kPa (50 kg / m²)

Havoning xisobiy tashqi harorati - 14 °S

3.2. Arxitektura va qurilish qismi.

2 qavatli binoni yordamchi bino bilan rekonstruksiya qilish uchun quyidagi qo'shimcha ishlar ko'zda tutilgan:

Poydevorlar - FBS 24.4.6 markali monolitik temir-beton va poydevor bloklari; 12.4.6; 9.4.6.

Devor - M-50 tsement-ohak kompozitsiyasining eritmasida oddiy M75 g'ishtdan.

Xonalardagi pollar yog'ochdan yasalgan taxtalardan yasalgan, hammom, oshxona va kir yuvish xonasida esa tsement-qum ohak tarkibidagi sirpanmaydigan keramik plitalardan yasalgan.

Oynalar - plastikdan

Eshiklar - alyuminiy profilli eshik bloklarini o'rnatish.

Tom yopish - asbest-sement plitalaridan yasalgan

Ichki bezatish - shiftlarni sirt tayyorlash bilan suv bazli bo'yoqlar bilan bo'yash. Devorlarni 1: 1: 6 nisbatda tsement-ohak ohak bilan oqlash, so'ngra sirtni tayyorlash bilan yog'li va suv bazli bo'yoq bilan, hammomlarda esa balandligi 1,8 metrgacha sirlangan plitkalar bilan qoplangan va oshxonada, 3 metr balandlikda.

Tashqi pardoqlash - Fasad devorlarini 1: 1: 6 nisbatda tsement-ohakli ohak ustiga gipslash, so'ngra sirt tayyorlash bilan fasad suv bazli bo'yoqlar bilan bo'yash.

3.3. Shu jumladan rekonstruksiya ko'zda tutilgan ishlar, konstruktiv yechimlar batafsil tushuntirish yozuvi, loyiha topshirig'i, va taqdim etilgan loyixalarda ko'rsatilgan.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

4.1. Muxandislik tizimlari texnik shartlari, loyiha topshirig'iga muvofiq jixozlangan.

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

5.1. "IRBIK" DUK Farg'ona viloyati filiali direktori Q.Madmarov va Farg'ona viloyati Maktabgacha ta'lim boshqarmasi boshlig'i Yu.Xodjayeva bilan kelishilgan Loyiha topshirig'i.

5.2. Davlat ekologiya ekspertizasining 14.07.2020 yildagi 01/08-124-878-sonli xulosasi.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxasislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy

tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

6.2. Ishchi loyixa ekspertiza ko'rigiga buyurtmachining texnologik, ichki muxandislik, energiya tejamkorlik va boshqa yechimlari izoxlarsiz taqdim etilgan.

6.3. Ekspertiza jarayonida mahalliy (lokal) ekspert xulosalarining izoxlariga muvofiq kiritilgan kamchiliklar va tuzatishlar loyixachi tomonidan ko'rib chiqildi va tuzatildi. (Biriktirilgan lokal ekspertiza xulosalaridagi faylda batafsil ko'rsatib o'tilgan).

6.4. Buyurtmachi jami xarajati, obyektning materiallar qiymati, ish xaqqi 12114,89 so'm/chelchas (ijtimoiy sug'urta siz) va pudratchining boshqa xarajatlari 19,39% buyurtmachi xatiga asosan qabul qilindi.

Buyurtmachi tomonidan quydagi obyekt jami bo'lib 393 081,322 ming so'm taqdim etilgan.

Tekshiruv natijasiga ko'ra quydagi ko'rsatgichlar tavsiya etiladi:

Qurilish qiymati QQS siz - 328 680,074 ming so'm

QQS 15% - 49 302,011 ming so'm

Qurilish qiymati QQS bilan - 377 982,085 ming so'm

Buyurtmachining xarajatlari - 825,500 ming so'm

Jami obyekt qiymati QQS va

buyurtmachi xarajatlari bilan - 378 807,585 ming so'm

Iqtisod qilingan mablag' - 14 273,737 ming so'm

6.5. Kamayish qurilish mashinalarini va mexanizm va ba'zi materiallar qiymati sozlash xisobiga amalga oshirildi .

6.7. Import qilingan uskunalar va materiallarning narxi ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmagan.

6.8. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yil 22 yanvardagi 15-sonli qaroriga muvofiq 4-ilova, II bob 8-band va SHNK 1.03.06-13 da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchiligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi.

7. Xulosalar.

7.1. Farg'ona viloyati, Toshloq tumani, Qumariq MFYdagi 16-sonli maktabgacha ta'lim tashkilotini rekonstruksiya qilish. (Qo'shimcha ishlar), loyixa-smeta xujjatlari ekspertiza tekshiruv natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqib, tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq, tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'yektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.3. Ko'rsatilgan narxni tanlov savdolari uchun qabul qilish to'g'risida buyurtmachi qaror qabul qiladi.

Bosh mutaxassis: TASHTEMIROVA SHOXISTA MAXAMATJONOVNA

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 78337 на приобретение Тошлоқ тумани Қумариқ МФЙдаги фаолият юритмаётган 16-сонли МТТ (120 ўринли қўшимча бино қуриш) да қурилиш-монтаж ишларини бажариш (2-боскич)

Способ проведения электронный

Дата 08.05.2022

Время рассмотрения 08.05.2022 18:10

Конкурсная комиссия Мактабгача таълим вазирлиги хузуридаги Инфратузилмани ривожлантириш буйича ИК Давлат муассасаси Фаргона вилояти филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MADMAROV KUDRAT YAXIYADJANOVICH	Филиал директори	"ИРБИК" ДМ Фаргона вилояти филиали
Секретарь комиссии	PARPIYEVA NOZIMAXON BAXTIYORJON QIZI	бош мутахассис	"ИРБИК" ДМ Фаргона вилояти филиали
Член комиссии	NISHONOV NODIRBEK NAJMIDINOVICH	Булим бошлиги	"ИРБИК" ДМ Фаргона вилояти филиали
Член комиссии	ISMOILOV SARDOR QOSIMJONOVICH	Булим бошлиги	"ИРБИК" ДМ Фаргона вилояти филиали
Член комиссии	FIRNAZAROV HAYOTJON MAHAMMADYUNUSOVICH	Бош мухандис	"ИРБИК" ДМ Фаргона вилояти филиали
Член комиссии	AXMADALIYEV BAXTIYOR XUSANBOYEVICH	Бош мутахассис	"ИРБИК" ДМ Фаргона вилояти филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.05.2022 года № лота 78337.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы строительные по реконструкции зданий
Подробное описание	Тошлоқ тумани Қумариқ МФЙдаги фаолият юритмаётган 16-сонли МТТ (120 ўринли қўшимча бино қуриш) ни реконструкция килиш (2-боскич)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	375 300 000.00
Стартовая сумма	375 300 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 3-шакл. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: тадикланган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" UNIVERSAL-S" ХК	12.8	Молиявий кўрсаткич	12.5	Экспертная		
ЧП CONSMATE TRADE	12.8	3-шакл	11	Экспертная		

Критерий №2 7-шакл. Танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: тасдикланган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" UNIVERSAL-S" ХК	12.85	Жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари	10	Экспертная		
ЧП CONSMATE TRADE	12.85	7-шакл	10	Экспертная		

Критерий №3 4-шакл. Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: тасдикланган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" UNIVERSAL-S" ХК	12.85	Иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар	12	Экспертная		
ЧП CONSMATE TRADE	12.85	4-шакл	9	Экспертная		

Критерий №4 6-шакл. Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

Тип: Текстовое значение

Описание: тасдикланган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" UNIVERSAL-S" ХК	12.85	Машина ва механизмлари рўйхати	12	Экспертная		
ЧП CONSMATE TRADE	12.85	6-шакл	9	Экспертная		

Критерий №5 2-шакл. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

Тип: Текстовое значение

Описание: тасдиқланган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" UNIVERSAL-S" ХК	12.85	Умумий маълумотлар	12	Экспертная		
ЧП CONSMATE TRADE	12.85	2-шакл	11	Экспертная		

Критерий №6 5-шакл. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: тасдиқланган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" UNIVERSAL-S" ХК	12.85	Охирги уч йиллик иш тажрибаси	12	Экспертная		
ЧП CONSMATE TRADE	12.85	5-шакл	10	Экспертная		

Критерий №7 1-шакл. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати.

Тип: Текстовое значение

Описание: тасдиқланган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" UNIVERSAL-S" ХК	12.85	Таъминлаш кафолати.	10	Экспертная		
ЧП CONSMATE TRADE	12.85	1-шакл	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование	Стартовая	Предлагаемая	Дата	Оценка стоимости
--------------	-----------	--------------	------	------------------

участника	сумма	сумма	предложения	(балл)
ЧП CONSMATE TRADE	375 300 000.00	375 000 000.00	06.05.2022 18:14:31	9.95
" UNIVERSAL-S" ХК	375 300 000.00	373 300 000.00	05.05.2022 22:15:37	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП CONSMATE TRADE	69.3	9.95	79.25
" UNIVERSAL-S" ХК	81	10	91

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 78337 от 08.05.2022 года на приобретение Тошлоқ тумани Қумариқ МФЙдаги фаолият юритмаётган 16-сонли МТТ (120 ўринли қўшимча бино қуриш) да қурилиш-монтаж ишларини бажариш (2-боскич) определила победителем:

"UNIVERSAL-S" ХК
202547356

и резервный исполнитель: ЧП CONSMATE TRADE (305676341)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	AXMADALIYEV BAXTIYOR XUSANBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NISHONOV NODIRBEK NAJMIDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISMOILOV SARDOR QOSIMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	FIRNAZAROV HAY OTJON MAHAMMADY UNUSOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	MADMAROV KUDRAT YAXIYADJANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Қумарик МФЙдаги фаолий қорғалмаган 16-сонли МТТ объектнинг реконструкция қилиши (2-босқич)
 бўйича ишларни бажариш
 КА.ПЕНДАР ГРАФФИЦИ

№	Иш турлари ва номи	2022 йил												Иш турлари бўйича умумий қиймати
		II чорак			III чорак			IV чорак			декабрь			
		апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь					
1	Жами қурилиш-монтаж ишлари		373 300 000											373 300 000
	Жами		373 300 000		0		0		0		0		0	373 300 000



Қуралли объектининг
умумий молиялаштириш
ГРАФИНИ

Фаргона вилояти Топлоқ тумани Қўмарик МФЙдаги 16-сонли МТГ объектининг реконструкция қилиши (2-босқич)

бўнак (аванс) ва жорий молиялаштиришни инобатга олган ҳолда

Молиялаштириш шартлари	Жами	2022 йил молиялаштириш ойлари											
		II чорак				III чорак				IV чорак			
		апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь			
Бўнак (аванс) 30%	111 990 000		111 990 000	0									
Жорий молиялаштириш	261 310 000		261 310 000			0		0		0			
Келуси йили молиялаштириш													
Кафолат муддатидан сўнгги %	0												
Жами	373 300 000												

2022 йилда молиялаштириш миқдори:

373 300 000 сўм



Бош вазиратчи:





KAPITAL SUG'URTA

страховая компания

СТРАХОВОЙ ПОЛИС

АО «KAPITAL SUG'URTA», действующее на основании Лицензии Министерства финансов Республики Узбекистан СФ №00208 выданной от 30 декабря 2015 года, именуемое в дальнейшем «Страховщик», настоящим подтверждает заключение и вступление в силу Договора обязательного страхования строительно-монтажных рисков №0500/108/1/2000155 от "14" мая 2022 года (далее – Договор страхования).

СТРАХОВАТЕЛЬ

“Универсал-С” Х/К

ОБЪЕКТ СТРАХОВАНИЯ

Здания, сооружения, оборудование, машины, запасные части к ним, материалы и другое имущество, находящееся на строительной площадке и представляющее собой предмет строительства и монтажа, обозначенное в договоре страхования, а также ответственность страхователя за нанесение вреда жизни, здоровью и имуществу третьих лиц при проведении строительно-монтажных работ.

Предмет страхования

Реконструкция ДОО №16 в Ташлакском районе

**ДОГОВОРНАЯ СТОИМОСТЬ
СТРОИТЕЛЬСТВА:**

373 300 000

ЗАСТРАХОВАННЫЕ РИСКИ

Материальный ущерб

Потеря или повреждение имущества вследствие:

- а) пожара, молнии, взрыва, падения летательных аппаратов, самовозгорания;
- б) кражи и злоумышленных действий третьих лиц;
- в) наводнения и затопления, разрыва труб;
- г) бури, урагана;
- д) землетрясения, селя, лавины, оседания грунта, оползня, обвала;
- е) короткого замыкания, перенапряжения, электрической дуги;
- ж) падения машин и механизмов, строительных материалов и конструкций;
- з) ущерба от несознательного применения дефектных материалов и конструкций.

Гражданская ответственность перед третьими лицами при проведении строительно-монтажных работ

Установление обязанности Страхователя возместить:

- а) вред жизни, здоровью третьих лиц;
- б) убытки или повреждения, причиненные имуществу третьих лиц.

ПЕРИОД СТРАХОВАНИЯ

С 00⁰⁰ часов "14" мая 2022 года до 23⁵⁹ часов "15" ноября 2022 года

СТРАХОВАЯ ПРЕМИЯ

900 241 (двести тысяч двести сорок один) сум

ТЕРРИТОРИЯ СТРАХОВАНИЯ

Республика Узбекистан,

ЗА СТРАХОВЩИКА

Директор
Ферганского Филиала
АО «KapitalSug'urta»

Дата выдачи «19» мая 2022 года

Регистрационный номер:
№0500/108/1/2000155 от "14" мая 2022 года

О.Турсунов



IKS № 152724



Құрастырушы мекемесінің қолы мен мөһірі мен қолданылатын күніне, ресми құрылым қолы мен қолданылатын күніне
2022 жыл МАНИПУЛЯЦИЯ
 (Қосы: Бюджетінің Құрастырушы Президентінің 2022 жыл 22 маусымда ІК-38-сон есепте)

(Тұлға, мерзімі және т.б.)

Түр	Объектілер немесе қызметтер	Құрылым	Дәйреме	Объектінің үлесі (%)	01.01.22 б. қолданылатын қаражат	01.01.22 б. қолданылатын қаражат	01.01.22 б. қолданылатын қаражат	01.01.22 б. қолданылатын қаражат	2022 жылғы қысқартылған қаражат					2022 жылғы федерацияның қаражаттары		Толық (таңқал) жұмыс	Құрылым жұмыс
									Жан капитал	Құрылым - капитал	Жан капитал	Жан капитал	Жан капитал	Жан капитал	Жан капитал		
18	Ресми құрылым		2 760	588,300	588,300	588,300	588,300	588,300	2 305,626	905,614	770,000	770,000	770,000				
16	Сәйкестендірілген Президентінің қаражаты		2 530	-	-	-	-	-	770,000	905,614	770,000	770,000	770,000				
1	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	150					48,800		48,800	48,800	48,800				
2	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	150					48,800		48,800	48,800	48,800				
3	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	300					49,000		49,000	49,000	49,000				
4	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	150					48,800		48,800	48,800	48,800				
5	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	120					48,800		48,800	48,800	48,800				
6	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	120					47,800		47,800	47,800	47,800				
7	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	120					47,800		47,800	47,800	47,800				
8	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	120					47,800		47,800	47,800	47,800				
9	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	120					47,800		47,800	47,800	47,800				
10	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	120					47,800		47,800	47,800	47,800				
11	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	150					47,800		47,800	47,800	47,800				
12	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	150					47,800		47,800	47,800	47,800				
13	Құрылым жұмыс "Мәдениет" МФҚ-ы		2022 б.	300					47,800		47,800	47,800	47,800				

Толық

